

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELARI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILIMY-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИНГ АҲОЛИ ДЕМОГРАФИЯСИГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АСПЕКТЛАРИ

Джумагельдиев Н.Р.
*НМПИ, Тарих ўқитиш
методикаси кафедраси*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев «Бугун мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришни таҳлил қилар эканмиз, ўтган йили принципиал муҳим ислохотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар кўйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Бу ислохотларнинг асосий мақсади - аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир. Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади.» -деб таъкидлаб ўтди [1].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 23 сентябрдаги 348-Ф-сон «Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини фаол тарғиб қилишнинг санитария-эпидемиологик ва экологик ҳолатини яхшилаш» тўғрисидаги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 1993 йил 29 сентябрда 359-сонли Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Қарори қабул қилинди. Унда аҳоли ўртасида экология, вазиятни яхшилаш ва саломатликни сақлаш, соғлом турмуш тарзини фаол тарғиб қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишнинг асосий босқичлари кўриб чиқилган [6].

Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ ва Бўзотов туманларида истиқомат қилувчи 17-60 ёшдаги 1836 нафар аҳолидан, эркакларнинг 50,9 фоизи ва аёлларнинг 49,1 фоизи суҳбатдан ўтказилди [4]. Республикада туғилиш кўрсаткичининг ортиши орқали барча аҳолида кичик ёш гуруҳларнинг кўпайишига, олиб келади деган хулосалар чиқарилган. Иш ўринлари ва меҳнат ресурсларининг кўпайиши оралиғидаги тафовут пайдо бўлиши ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлик даражасининг пасайишига (67%) сабаб бўлди ҳамда бунга кўшимча равишда республикадаги экологик ва иқтисодий вазиятнинг ёмонлашуви ҳам сабаб бўлди.

2012 йилнинг 28 июнь куни Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида БМТнинг Ўзбекистондаги янги ташаббуси – “Орол денгизи инқирозидан жабр кўрган аҳолининг турмуш шароитини таъминлаш” қўшма дастурининг тадбирда миллий ҳамкорлар, вилоят ва туман ҳокимликлари вакиллари, маҳаллалар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди [8]. Бунда

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILIMY-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

Ўрта Осиёнинг қоқ марказида жойлашган, бир вақтлар дунёдаги тўртинчи йирик кўл бўлган Орол денгизи саёз бўлиб, бугунги кунда аввалги ҳажмининг 30 фоизини ташкил этади. Худуддаги бундай экологик ўзгаришлар иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва аҳоли турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Қўшма дастур аҳолининг инсоний хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, самарали бошқарув тизимини яратиш, даромадларини ошириш, аҳоли соғлиги ва экологик хавфсизлигини таъминлаш, одамларнинг барқарор ҳаёти ва кадр-қимматини юксалтиришни назарда тутди. Шу муносабат билан Қўшма дастур фаолиятининг барча йўналишларида инсон хавфсизлиги концепциясини илгари суриш учун БМТнинг Инсон хавфсизлиги траст фонди томонидан 3,8 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди.

Аҳолининг ярмига яқини (48,7%) республиканинг жанубий қисмида, Амударё дарёси бўйларида истиқомат қилади. Сўнгги йилларда аҳолининг жанубга “кўчиши” кузатилмоқда [5,7]. Бу, асосан, Орол денгизи худудидаги ноқулай экологик вазият билан боғлиқдир. Масалан, Орол денгизига яқин жойлашган Мўйноқ туманида 1989 йилда аҳоли сони 27,4 минг киши бўлган бўлса, 2019 йилга келиб, у 3,9 минг кишига камайган. Бу даврда демографик ўсиш минтақанинг жанубий қисмида, яъни Беруний, Тўрткўл, Амударё, Эллиққалъа туманларида анча юқори кўрсаткичда бўлди.

Бутун дунёдаги глобал миқёсдаги иқлим ўзгариши муаммоси ҳам минтақа учун кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Бу эса ўз навбатида, одамларнинг соғлиғига, уларнинг даромадлари ва турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатади [3]. Шу боис ҳам, ҳамisha Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарининг алоҳида эътибор марказида бўлган [2].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по комплексному социально-экономическому развитию Республики Каракалпакстан на 2020-2023 годы» от 11 ноября 2020 г., №ПП-4889.
2. Мирзиёев Ш.М. «Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз». – Тошкент: Ўзбекистон, 2017 й.
3. Узбекистан в цифрах 1991-2010-2018. Статистические сборники. - Ташкент: Госкомстат, 1991, 2010, 2018.
4. Демографический ежегодник Узбекистана 2000-2018 гг. Статистический сборник. - Ташкент: Госкомстат, 2019. - 208 с.

**«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIIYASI,
ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI
HÁM TARIYXINIŃ AKTUAL MÁSELELERI»
ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILIMY-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI**

5. Статистические ежегодники. – Ташкент: Госкомстат, 1995-2005.
6. ҚРМДА, М-500-фонд, 1-рўйхат, 189-иш, 198-199-варақлар.
7. Буриева М. Основы демографии. - Ташкент: Типография НУУз, 2001. - 66 с.;
8. Нигматов И., Абдукаримова Х. Проблемы Аральского моря. Журнал «Муҳофаза»-№3, Ташкент 2012 г.